

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2023 йил сентябрь ойининг 20 куни, Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси И.Абраев, ҳайъат судьялари Ж.Худойбердиев ва Т.Абдираимовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED], фуқаровий даъвогар [REDACTED] иштирокида, судланувчи [REDACTED] томонидан суд ҳукмига нисбатан апелляция тартибида берган шикоятини жиноят иши материаллари асосида текшириб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Жиноят ишлари бўйича Термиз туман судининг 2022 йил 2 август кундаги ҳукмига кўра,

[REDACTED] - 1985 йил 4 декабрь куни Ангор туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, судланмаган, “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиалига қарашли Учқизил почта алоқа боғланмаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаган, ҳозирда вақтинча ишсиз, Ангор тумани, “Марказ” маҳалласи, 1-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 2 йил давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 2 йил давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан



махрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

1979 йил 8 сентябрь куни Термиз шаҳрида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини яхши билади, таржимонга мухтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “Ўзбекистон почтаси” АЖ сурхондарё вилоят филиалига қарашли Учқизил почта алоқа боғланмаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаган, ҳозирги кунда Термиз шаҳар бюджетдан ташқари пенсия жамғармасида мутахассис бўлиб ишлайди, Термиз шаҳри, “Мажнунтол” маҳалласи “Исо Ат-Термизий” кўчаси, 71-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўлланиб, 1 йил 6 ой давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 1 йил 6 ой давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Иш бўйича Сурхондарё вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган етказилган зарарни қоплаш мақсадида тўланган жами 134.000.000 сўм пуллар ҳукм қонуний кучга киргач “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиалининг ИНН:200833833, 20210000900155266291-сонли ҳисоб рақамга ўтказишлик белгиланган.

Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси ҳисоб рақамида сақланаётган 9.000.000 сўм пуллар ҳукм қонуний қонуний кучга киргач “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиалининг ИНН:200833833, 20210000900155266291-сонли ҳисоб рақамга ўтказишлик белгиланган.



Судланувчилар томонидан дастлабки тергов давомида етказилган зарарнинг 166.678.808 сўми “Ўзбекистон почтаси” Сурхондарё вилоят филиали ҳисоб рақамига тўланганлиги эътироф этилган.

Судланувчи А [] “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали фойдасига жами 4.070.617 сўм зарар ундиришлик белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи [] 2020 йил 5 февралдан ҳозирги кунга қадар “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Учқизил почта алоқа боғланмаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш орқали ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш билан ўз манфаатларида ноқонуний равишда енгил бойлик орттириш мақсадида, 2021 йил 29 январда ўзининг номига очилган 8600 3129 1816 7616 рақамли пластик картасига “2020 йил Эшматов []нинг қарздорлик пули аризасига асосан 8600 3129 1816 7616 рақамли пластик картага ўтказилди” мазмунида тўлов топшириқномаси тайёрлаб 2 100 000 сўм, 2021 йил 19 мартда “2020 йил Холмурова Сарвигулни алимент пули аризасига асосан 8600 3129 1816 7616 рақамли пластик картага ўтказилди” мазмунида тўлов топшириқномаси тайёрлаб 452 000 сўм, 2021 йил 12 майда “2021 йил [] февраль, март, апрель ойлари алимент пули аризасига асосан 8600 3129 1816 7616 рақамли пластик картага ўтказилди” мазмунида тўлов топшириқномаси тайёрлаб 4 096 330 сўм, 2021 йил 1 июнда [] номига очилган 8600 0423 0272 4108 рақамли пластик картасига “2021 йил []нинг алимент пули аризасига асосан 8600 0423 0272 4108 рақамли пластик картага ўтказилди” мазмунида тўлов топшириқномаси тайёрлаб 4 800 000 сўм, 2021 йил 11 августда []ни номига очилган 8600 0423 0272 4108 рақамли пластик картасига “2021 йил []нинг қарздорлик пули аризасига асосан 8600 0423 0272 4108 рақамли пластик картага ўтказилди” мазмунида тўлов топшириқномаси тайёрлаб 1 793 836 сўм, 2021 йил 7 сентябрда Х [] номига очилган 8600 ... 4108 рақамли пластик картасига “2021 йил [] алимент пули аризасига асосан 8600 0423 0272 4108 рақамли пластик картага ўтказилди” мазмунида тўлов топшириқномаси тайёрлаб 1 063 000 сўм, 09.09.2021 йилда [] номига очилган 8600 ... 4108 рақамли пластик картасига “2021 йил [] алимент пули аризасига асосан 8600 0423 0272 4108 рақамли пластик картага ўтказилди” мазмунида тўлов топшириқномаси тайёрлаб 3 000 000 сўм, 19.02.2021 йилда [] номига очилган 8600 ... 4108 рақамли пластик картасига “ [] аризасига асосан 8600 0423 0272 4108 рақамли пластик картага ўтказилди” мазмунида тўлов топшириқномаси тайёрлаб 5 648734 сўм, 2021 йил 8 февралда



Х [REDACTED] номига очилган 8600 0426 0765 1006 рақамли пластик картасига “ [REDACTED] алимент пули аризасига асосан 8600 0426 0765 1006 рақамли пластик картага ўтказилди” мазмунида тўлов топшириқномаси тайёрлаб 4 351 266 сўм, жами 27 305 166 сўм пул маблағини Учқизил почта алоқа боғланмаси ҳисоб рақамидан асоссиз ўтказиб олиб, почта алоқа боғланмаси ҳисоб рақамидаги пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилган.

Шунингдек, А [REDACTED] 2020 йил 5 февралдан ҳозирги кунга қадар “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Учқизил почта алоқа боғланмаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш орқали ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш билан ўз манфаатларида ноқонуний равишда енгил бойлик орттириш мақсадида, Учқизил ПАБ амалиёт зали 1-тоифали оператори [REDACTED] билан жиноий тил бириктириб, “Микрокредитбанк” АТБ Учқизил филиалининг 2021 йил 25 январдаги 1774-сонли тўлов топшириқномасига асосан Термиз шаҳрига юборилиши лозим бўлган 2 231 587 сўм пул ўтказмасини 2021 йил 22 апрелда ҳамда 2021 йил 15 апрелдаги 3751-сонли тўлов топшириқномасига асосан Бухоро вилоятига юборилиши лозим бўлган 728 155 сўм пул ўтказмасини ва 2021 йил 15 апрелдаги 3752-сонли тўлов топшириқномасига асосан Тошкент вилоятига ўтказилиши лозим бўлган 728 155 сўм пул ўтказмасини 2021 йил 2 августда жами 3 687 897 сўм пул ўтказмаларини манзилларига ўтказмасдан Учқизил ПАБ ҳисоб рақамидан нақд пул шаклида олиб, [REDACTED] ва [REDACTED] номига Ф-115 шакл балансига ўзи имзо қўйиб, фуқароларнинг имзоларини сохталашиб, олинган пул маблағини ўз эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, почта алоқа боғланмаси ҳисоб рақамида бўлган 3 687 897 сўмни ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилган.

Бундан ташқари, А [REDACTED] 2020 йил 5 февралдан ҳозирги кунга қадар “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Учқизил почта алоқа боғланмаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш орқали ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш билан ўз манфаатларида ноқонуний равишда енгил бойлик орттириш мақсадида, 2021 йил май ойидан 2021 йил август ойига қадар “Микрокредитбанк” АТБ Учқизил филиали орқали фуқаро [REDACTED] номига очилган 6262 9200 5216 8225 рақамли пластик картасига жами 12 337 248 сўм пул маблағини Учқизил ПАБ ҳисоб рақамидан асоссиз равишда тўлов амалга ошириб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, боғланма ҳисоб рақамидаги пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилган.



Бундан ташқари, [REDACTED] 2020 йил 5 февралдан ҳозирги кунга қадар “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Учқизил почта алоқа боғланмаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш орқали ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш билан ўз манфаатларида ноқонуний равишда енгил бойлик орттириш мақсадида, Мажбурий ижро бюроси Термиз туман бўлими томонидан Учқизил ПАБнинг 2020 йил 8 сентябрдаги 26-01/28-сонли хатига асосан ижро ҳужжатлари мавжуд бўлмаганлиги учун Учқизил ПАБ томонидан ортиқча ўтган 44 896 265 сўм маблағ ҳисоб рақамига қайтарилган бўлиб, ушбу пул маблағлари таълуқли бўлмаган фуқароларга сохта рўйхат (реестр) орқали ПАБ ҳисоб рақамидан 2020 йил 14 сентябрдаги 3033-сонли “2020 йил [REDACTED] [REDACTED] пул ўтказмаси аризасига асосан 8600 0804 0621 4030 рақамли пластик картасига ўтказилди” мазмунида сохта тўлов топшириқномаси тайёрлаб, сохта ҳужжат асосида 2 935 700.28 сўм, 2020 йил 16 сентябрдаги 3036-сонли “2020 йил [REDACTED] [REDACTED] номига келган пул ўтказмаси, янгаси [REDACTED] 8600 3029 1076 4817 рақамли пластик картасига ўтказилди” мазмунида сохта тўлов топшириқномаси тайёрлаб, сохта ҳужжат асосида 2 935 700.28 сўм, 17.09.2020 йилдаги 3040-сонли “2020 йил [REDACTED] [REDACTED] номига келган пул ўтказмаси, аризасига асосан 8600 0804 0621 4030 рақамли пластик картасига ўтказилди” мазмунида сохта тўлов топшириқномаси тайёрлаб, сохта ҳужжат асосида 24 740 764.34 сўм, пулларни асоссиз равишда пластик карточка ўтказилган ва 2020 йил 20 октябрда 3087-сонли тўлов топшириқномасига асосан 5 871 400.56 сўм Мажбурий ижро бюроси Термиз туман бўлимига ўтказилиб Учқизил ПАБнинг 2020 йил 17 ноябрдаги 26-10/118-сонли хатига асосан [REDACTED] пластик картасига, ҳамда Жарқўрғон ПАБга [REDACTED] номига 2 935 700.28 сўм ва Шеробод ПАБга [REDACTED] номига 2 935 700.28 сўмни тўлов қайдномаси орқали жами 42 354 966 сўм пул маблағини сохта ҳужжатлар асосида ўзлаштириб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, талон-торож қилган.

Бундан ташқари [REDACTED] 2020 йил 5 февралдан ҳозирги кунга қадар “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Учқизил почта алоқа боғланмаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш орқали ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш билан ўз манфаатларида ноқонуний равишда енгил бойлик орттириш мақсадида, Учқизил ПАБ амалиёт зали 1-тоифали оператори [REDACTED] томонидан



“Микрокредитбанк” АТБ Термиз туман филиалининг 2020 йил 20 майдаги 2903-сонли 2 дона тўлов топшириқномасига асосан 11 565 534 сўм пули мақсадига “СФТ департаменти 2020 йил 25 апрелдаги 14-сонли хатига асосан ундирилган қарздорлик тўлови 42.92.100 сўм” деб кўрсатилган ушбу маблағ Учқизил ПАБ ҳисоб рақамига келиб тушмаган бўлиб, 2020 йил 19 февралдаги 6139-сонли тўлов топшириқномасига асосан 1 279 685 сўм, 2020 йил 6 февралдаги 0095-сонли тўлов топшириқномасига асосан 1 120 746 сўм, 2020 йил 6 августдаги 6400-сонли тўлов топшириқномасига асосан 1 810 003 сўм, 2020 йил 6 январдаги 0009-сонли тўлов топшириқномасига асосан 495 638 сўм, 2020 йил 23 июлдаги 1735-сонли тўлов топшириқномасига асосан 974 120 сўм, 2020 йил 11 майдаги 0790-сонли тўлов топшириқномасига асосан 1 211 311 сўм, 2020 йил 1 июлдаги 3074700364-сонли тўлов топшириқномасига асосан 369 7901 279 685 сўм ва 2020 йил 2 июндаги 2924900245-сонли тўлов топшириқномасига асосан 790.916 сўмлик тўлов топшириқномаларини такрорий кўрсатиб, жами 19 617 743 сўмлик сохта тўлов топшириқномаларини тайёрлаб, ўзи томонидан имзо қўйиб, ҳисоб рақамга келиб турмаган пулларни сохта тўлов қайдномаси орқали 2021 йил 21 майда дастур орқали Термиз шаҳар ПАБга [REDACTED] номига ва шунинг ўзида Ангор туман ПАБга [REDACTED] номига, 2021 йил 29 июлда дастур орқали Термиз шаҳар ПАБга [REDACTED] номига ўтказилган пул маблағларини Термиз шаҳар ПАБ ва Ангор туман ПАБ бўлимларидан тўлов қайдномаси орқали нақд пул шаклида олиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, ўз ихтиёрида бўлган ўзганинг 19 617 743 сўм пул маблағини сохта ҳужжатлар асосида ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, А [REDACTED] 2020 йил 5 февралдан ҳозирги кунга қадар “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Учқизил почта алоқа боғланмаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиб, “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Назорат таҳлил гуруҳи бошлиғи [REDACTED] билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш орқали ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш билан ўз манфаатларида ноқонуний равишда енгил бойлик орттириш мақсадида, “Ўзбекистон почта” АЖ томонидан 2021 йил май ойида ўтказилган текширишда аниқланган камомад пуллари 2021 йил 7 июнда [REDACTED] номидан биллинг фарқи деб 05-кирим ордери билан 6 586 000 сўм, 2021 йил 8 июнда [REDACTED] номидан икки марта расмийлаштирилган АКЦП фарқи деб 07-кирим ордери билан 3 316 000 сўм, 2021 йил 8 июнда [REDACTED] номидан икки марта



расмийлаштирилган АКЦП фарқи деб 08-кирим ордери билан 3 000 832 сўм, 2021 йил 9 июнда [REDACTED] номидан терминал фарқи деб 04-кирим ордери билан 5 063 673 сўм, 2021 йил 10 июнда [REDACTED] номидан биллинг фарқи деб 03-кирим ордери билан 4 521 819,13 сўм, 2021 йил 11 июнда [REDACTED] номидан тўлов фарқи деб 11-кирим ордери билан 6 586 583 сўм, 2021 йил 14 июнда [REDACTED] номидан биллинг фарқи деб 06-кирим ордери билан 4 707 459 сўм, 2021 йил 15 июнда [REDACTED] номидан биллинг фарқи деб 01-кирим ордери билан 5 291 734 сўм, 2021 йил 17 июнда [REDACTED] номидан меъъридан ортиқча пул фарқи деб 09-кирим ордери билан 325 000 сўм, 2021 йил 17 июнда [REDACTED] номидан касса фарқи деб 10-кирим ордери билан 765 829 сўм, 2021 йил 17 июнда Р.Садатова номидан биллинг фарқи деб 02-кирим ордери билан 1 052 011,28 сўм, 2021 йил 19 июнда [REDACTED] номидан касса фарқи деб 12-кирим ордери билан 57 806,52 сўм жами 41 268 747 сўм кирим ордерлари билан туман почта алоқа боғланмаси ҳисоб рақамига кирим қилинган деб кўрсатган бўлсада, бироқ ушбу сумма бош ғазнага кирим қилмасдан, ўзининг жинойий шериги [REDACTED] билан 2021 йил 11 августда “41 268 747 сўм пул маблағи сунъий равишда кўпайтирилиб юборилган пуллар” деб далолатнома тузишиб, жинойий режага асосан туман ПАБ бош ғазнасида бош ҳисобчи [REDACTED] яъни ўзининг номига 11.08.2021 йилдаги 14-сонли чиқим касса ордери билан 41 268 747 сўм чиқим қилишиб, туман почта алоқа боғланмасининг маблағларини ўзлаштириш ва растарата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

Бундан ташқари, [REDACTED] 2020 йил 5 февралдан ҳозирги кунга қадар “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Учқизил почта алоқа боғланмаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиб, “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Назорат таҳлил гуруҳи бошлиғи [REDACTED] билан жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш орқали ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш билан ўз манфаатларида ноқонуний равишда енгил бойлик орттириш мақсадида, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали бошлиғининг 2021 йил 23 апрелдаги 304-сонли буйруғига асосан филиал ҳисобхона 1-тоифали мутахассиси У.Мардонов 2021 йил 26 апрелдан 5 май кунига қадар хизмат сафарига юборилганлигидан фойдаланишиб, туман почта алоқа боғланмаси бош ғазнасида 2021 йил 15 февралдан 2021 йил 14 апрелгача юритиб келинган эски КО-4 (кассовая книга) китоби тўлиқ қайтадан ҳисоботларига сохта ёзувлар ва ўзгартиришлар киритишиб, ушбу китобга 2021 йил 23 февралда 7 686 169 сўм, 2021 йил 25 февралда 7 795 292 сўм ва 2021 йил 27 февралда 2 552 000 сўм жами



18 033 461 сўм пул маблағини кассага кирим қилинганлиги ҳақида сохта ёзувлар киритиб, аслида ушбу маблағларни бош ғазнага кирим қилмасдан, туман ПАБга тегишли бўлган пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Бундан ташқари, [REDACTED] 2020 йил 5 февралдан ҳозирги кунга қадар “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Учқизил почта алоқа боғланмаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиб, “Учқизил” ПАБга қарашли “Каптархона” алоқа бўлими бошлиғи [REDACTED] [REDACTED] г компьютер воситасини ишлатишни тушунмаслигидан фойдаланиб, [REDACTED] логин пароли орқали йиғилган пулларни “Биллинг” дастурига қабул қилган бўлса-да, ушбу йиғилган пуллардан 2020 йил январь ойидан 2021 йил сентябрь ойигача бўлган даврда жами 25.037.856 сўмни, “Учқизил” ПАБ оператори [REDACTED] [REDACTED] томонидан йиғилган пулларни “Биллинг” дастурига қабул қилган бўлса-да, бироқ ушбу йиғилган пуллардан 2020 йил январь ойидан 2020 йил декабрь ойига қадар бўлган даврда жами 5.121.791 сўмни ПАБ бош ғазнага кирим қилмасдан ўз эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, “Учқизил” ПАБнинг жами 30.159.647 сўмлик мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, [REDACTED] 2020 йил 5 февралдан ҳозирги кунга қадар “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Учқизил почта алоқа боғланмаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиб, “Учқизил” ПАБ алоқа оператори [REDACTED] билан ўзаро жинойий тил бириктириб, [REDACTED] томонидан йиғилган пулларни “Биллинг” дастурига қабул қилган бўлса-да, бироқ ушбу йиғилган пуллардан 2020 йил январь ойидан 2021 йил сентябрь ойигача бўлган даврда жами 12.905.703 сўмни бош ғазнага топширмасдан, ўзаро тақсимлаб олишиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборишиб, “Учқизил” ПАБ маблағларини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

[REDACTED] бир гуруҳ шахслар билан жинойий тил бирктириб, мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш орқали ўзига ишониб топширилган ва ўз ихтиёрида бўлган ўзганинг 207.670.578 сўм жуда кўп миқдордаги давлат пул маблағларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилган.

[REDACTED] 2018 йил 25 июлдан 2020 йил 5 февралгача “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Учқизил почта алоқа боғланмаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаган даврида, мансабдор шахс бўла туриб, мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш



орқали ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш билан ўз манфаатларида ноқонуний равишда енгил бойлик орттириш мақсадида, Учқизил почта оператори [REDACTED] билан ўзаро жинойий тил бириктириб, “Микрокредитбанк” АТБ Учқизил филиалининг 2019 йил 18 сентябрдаги 0206-сонли тўлов топшириқномасига асосан 10 760 526 сўм ва 2019 йил 17 декабрдаги 0246-сонли тўлов топшириқномасига асосан 5 200 000 сўм жами 15 960 526 сўм пул маблағлари “жазо муддатини ўтаб озод этилган маҳкумларнинг бошқа ЖИЭКлардан келган шахсий пул маблағлари уй манзилларига реестр орқали берилади” мазмунида келиб тушган бўлсада, бироқ у 2020 йил 9 ва 16 январь кунларидаги касса ҳисоботларига “такрорий келиб тушган” деб кўрсатиб Учқизил ПАБ ҳисоб рақмидан 2020 йил 9 январда нақд пул кўринишида сохта рўйхат ва тўлов қайдномасига асосан Ф [REDACTED]

[REDACTED] ҳамда 2020 йил 17 январдаги тўлов қайдномасига асосан [REDACTED]

ва [REDACTED] номига асоссиз равишда нақд пул шаклида тўланганлигини акс этириб, ушбу маблағларни ўзаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Шунингдек, У [REDACTED] 2021 йил 4 январдан 2021 йил 27 ноябрга қадар “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали назорат таҳлил гуруҳи бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиб, “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Учқизил почта алоқа боғланмаси бош ҳисобчиси [REDACTED] билан жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш орқали ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш билан ўз манфаатларида ноқонуний равишда енгил бойлик орттириш мақсадида, “Ўзбекистон почта” АЖ томонидан 2021 йил май ойида ўтказилган текширишда аниқланган камомад пуллари 2021 йил 7 июнда А [REDACTED] номидан биллинг фарқи деб 05-кирим ордери билан 6 586 000 сўм, 2021 йил 8 июнда А [REDACTED] номидан икки марта расмийлаштирилган АКЦП фарқи деб 07-кирим ордери билан 3 316 000 сўм, 2021 йил 8 июнда [REDACTED] номидан икки марта расмийлаштирилган АКЦП фарқи деб 08-кирим ордери билан 3 000 832 сўм, 2021 йил 9 июнда [REDACTED] номидан терминал фарқи деб 4-кирим ордери билан 5 063 673 сўм, 2021 йил 10 июнда Ш.Рўзиева номидан биллинг фарқи деб 03-кирим ордери билан 4 521 819,13 сўм, 2021 йил 11 июнда [REDACTED] номидан тўлов фарқи деб 11-кирим ордери билан 6 586 583 сўм, 2021 йил 14 июнда С [REDACTED] номидан биллинг фарқи деб 06-кирим ордери билан 4 707 459 сўм, 2021 йил 15 июнда Р [REDACTED] номидан биллинг фарқи деб 01-кирим ордери



билан 5 291 734 сўм, 2021 йил 17 июнда [REDACTED] номидан меъъридан ортиқча пул фарқи деб 09-кирим ордери билан 325 000 сўм, 2021 йил 17 июнда [REDACTED] номидан касса фарқи деб 10-кирим ордери билан 765 829 сўм, 2021 йил 17 июнда [REDACTED] номидан биллинг фарқи деб 02-кирим ордери билан 1 052 011,28 сўм, 2021 йил 19 июнда [REDACTED] номидан касса фарқи деб 12-кирим ордери билан 57 806,52 сўм жами 41 268 747 сўм кирим ордерлари билан туман почта алоқа боғланмаси ҳисоб рақамига кирим қилинган деб кўрсатган бўлсада, бироқ ушбу сумма бош ғазнага кирим қилмасдан, ўзининг жиноий [REDACTED] билан 2021 йил 11 августда “41 268 747 сўм пул маблағи сунъий равишда кўпайтирилиб юборилган пуллар” деб далолатнома тузишиб, жиноий режага асосан туман ПАБ бош ғазнасидан бош ҳисобчи [REDACTED] номига 2021 йил 11 августдаги 14-сонли чиқим касса ордери билан 41 268 747 сўм чиқим қилишиб, туман почта алоқа боғланмасининг маблағларини ўзлаштириш ва растарата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

Бундан ташқари, [REDACTED] 2021 йил 4 январдан 2021 йил 27 ноябрга қадар “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали назорат таҳлил гуруҳи бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиб, “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиали Учқизил почта алоқа боғланмаси бош ҳисобчиси [REDACTED] билан жиноий тил бирктириб, мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш орқали ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш билан ўз манфаатларида ноқонуний равишда енгил бойлик орттириш мақсадида, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали бошлиғининг 2021 йил 23 апрелдаги 304-сонли буйруғига асосан филиал ҳисобхона 1-тоифали мутахассиси [REDACTED] 2021 йил 26 апрелдан 5 май кунига қадар хизмат сафарига юборилганлигидан фойдаланишиб, туман почта алоқа боғланмаси бош ғазнасида 2021 йил 15 февралдан 2021 йил 14 апрелгача юритиб келинган эски КО-4 (кассовая книга) китоби тўлиқ қайтадан ҳисоботларига сохта ёзувлар ва ўзгартиришлар киритишиб, ушбу китобга 2021 йил 23 февралда 7 686 169 сўм, 2021 йил 25 февралда 7 795 292 сўм ва 2021 йил 27 февралда 2 552 000 сўм жами 18 033 461 сўм пул маблағини кассага кирим қилинганлиги ҳақида сохта ёзувлар киритиб, аслида ушбу маблағларни бош ғазнага кирим қилмасдан, туман ПАБга тегишли бўлган пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

[REDACTED] ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш орқали ўзига ишониб топширилган ва ўз ихтиёрида бўлган



ўзганинг 75 262 734 сўм кўп миқдордаги давлат пул маблағларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи [REDACTED] шикоятда, айбига иқрор ва пушаймонлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, турмуш ўртоғи ва ота-онаси хасталиги, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, ЖКнинг 45-моддаси билан тайинланган жазони бекор қилиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Апелляция инстанциясида сўралган судланувчи [REDACTED], айбига иқрорлик билдириб, дастлабки тергов ва биринчи босқич судида берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлаши, иш фаолияти давомида текшириш натижаси бўйича 207.670.578 сўм жуда кўп миқдордаги давлат пул маблағларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилгани, етказилган зарарни тўлиқ тўлаб бергани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлиги, оилада ёлғиз боқувчи эканлиги, содир қилган ҳаракатига иқрор ва пушаймонлигини билдириб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддаси билан тайинланган жазони бекор қилиб қонуний енгиллик беришни сўради.

Апелляция инстанциясида сўралган судланувчи [REDACTED], айбига иқрорлик билдириб, дастлабки тергов ва биринчи босқич судида берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлаши, Учқизил почта алоқа боғланмаси бош ҳисобчиси лавозимида иш фаолияти давомида текшириш натижаси бўйича 75 262 734 сўмлик давлат пул маблағларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилгани, етказилган зарарни тўлиқ тўлаб бергани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлиги, оилада ёлғиз боқувчи эканлиги, содир қилган ҳаракатига иқрор ва пушаймонлигини билдириб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддаси билан тайинланган жазони бекор қилиб қонуний енгиллик беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар Х [REDACTED] апелляция инстанция судида, ўзи “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали директори ўринбосари лавозимида ишлашлиги, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиалига қарашли Учқизил почта алоқаси тармоғининг иш фаолияти юзасидан текширув ўтказилганда жами 233 999 330 (икки юз ўттиз уч миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг уч юз ўттиз) сўм камомад борлиги аниқлангани, текширув давомида 86.477.808 (саксон олти миллион тўрт юз етмиш етти минг саккиз юз саккиз) сўм пул маблағлари почта ҳисоб рақамига ундирилгани, қолган 147.521.522 (бир юз қирқ етти миллион беш юз йигирма бир минг беш юз йигирма икки) сўм пулларни ундириш учун прокуратурага ўтказиб берилгани, прокуратура томонидан тергов давомида 62.799.000 (олтмиш икки миллион етти юз тўқсон тўққиз минг) сўм пул маблағлари ундирилиб, почта ҳисоб рақамига ўтказиб берилгани, шунингдек, 8.765.565 (саккиз миллион етти юз олтмиш беш минг беш юз олтмиш беш) сўм пул маблағлари айбдорларнинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолингани ва почта



хисобига кирим қилингани, ҳозирги кунда 75.956.957 (етмиш беш миллион тўққиз юз эллик олти минг тўққиз юз эллик етти) сўм пул маблағлари ундирилмагани, мазкур зарарни айбдорлардан ундириб беришни, [REDACTED] ўзи томонидан етказилган зарарни қоплаб берганлиги, унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ А [REDACTED] апелляция инстанция судида, Сурхондарё вилояти ИЖҚК департаменти хўжалик бўлими бошлиғи лавозимида ишлаши, Термиз туман прокуратурасининг 2022 йил 15 февраль кундаги хати билан “Хужжатли тафтиш тайинлаш тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиалига қарашли почта алоқа боғланмасида хужжатли тафтиш ўтказганлиги, тафтишда 2020 йил январь ойидан 2021 йил 1 сентябрь ойигача бўлган давр ҳолати ўрганилгани, жами 41.268.747 сўмлик кирим ордерлари билан кирим қилинган деб кўрсатилган бўлсада, ушбу пул маблағлари бош ғазнага кирим қилинмагани, ўзлари текширишни бир марта ўтказишгани, ўларидан олдин “Ўзбекистон Почтаси” АЖ томонидан келган текширувчилар текширишгани, далолатномалар қилингани, қанча камомат аниқланганини билмаслиги, ушбу камоматнинг қанчаси қопланганини билмаслиги, 41.268.747 сўмлик камомат икки марта зарарга қўшилмагани, ўзи кимни айбдорлиги ҳақида билмаслиги, аммо зарар ким томонидан тўланиши кераклигини аниқлаш мумкинлигини, аниқланган камоматлар бўйича тушунтириш ҳақлари олишмагани, жами 233.999.330 сўм камомат аниқланган бўлиб, шундан 86.477.808 сўмни Учқизил почта алоқа боғланмасининг бош ғазнасига кирим қилинган ва 147.521.522 сўм камомат пул маблағлари текшириш якунига қадар ундирилмаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ З [REDACTED] апелляция инстанция судида, у 2003 йилдан буён “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиали тизимида ишлаб келишлиги, филиали ҳисобхонаси мутахассис сифатида 2021 йилнинг февраль ойидан буён ишлаб келишлиги, Термиз туман прокуратурасининг 2022 йил 15 февраль кундаги хатига асосан “Хужжатли тафтиш тайинлаш тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиалига қарашли почта алоқа боғланмасида хужжатли тафтиш ўтказганлиги, тафтишда 2020 йил январь ойидан 2021 йил 01 сентябрь ойигача бўлган давр ҳолати ўрганилгани, жами 41.268.747 сўмлик кирим ордерлари билан кирим қилинган деб кўрсатилган бўлсада, ушбу пул маблағлари бош ғазнага кирим қилинмаган, шу сабабли “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали назорат тахлил гуруҳи бошлиғи [REDACTED] ва Учқизил ПАБ масъул ходимлари иштирокида 2021 йил 11 августда тузилган далолатномасига асосан 41.268.747 сўм пул маблағи сунъий равишда кўпайтирилиб юборилган пуллар деб далолатнома тузиб, Учқизил ПАБ бош ғазнасида бош ҳисобчи [REDACTED] номига 11.08.2021 йилдаги 14-сонли чиким касса ордери билан 41.268.747 сўм пул маблағини



филиал раҳбариятига хабар қилинмасдан ўзаро тил бириктириб, Учқизил почта алоқа боғланмасига зарар етказганлиги ва бошқа камоматлар аниқлангани, барчаси далолатномада кўрсатилгани, текшириш давомида жами 233.999.330 сўм камомат аниқланган бўлиб, шундан 86.477.808 сўмни Учқизил почта алоқа боғланмасининг бош ғазнасига кирим қилингани ва 147.521.522 сўм камомат пул маблағлари текшириш якунига қадар ундирилмаганлиги аниқланганлиги, 41 миллион сўм зарар 2 марта айбловга қўйилмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] апелляция инстанция судида, Термиз туман прокуратурасининг 2022 йил 15 февраль кундаги хатига асосан “Ҳужжатли тафтиш тайинлаш тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиалига қарашли почта алоқа боғланмасида ҳужжатли тафтиш ўтказганлиги, ўзи ҳам ушбу текширишда қатнашгани, 41.268.747 сўмлик кирим ордерлари билан кирим қилинган деб кўрсатилган бўлсада, ушбу пул маблағлари бош ғазнага кирим қилинмаган, 41.268.747 сўм пул маблағи сунъий равишда кўпайтирилиб юборилган пуллар деб далолатнома тузиб, Учқизил ПАБ бош ғазнасидан бош ҳисобчи [REDACTED] номига 11.08.2021 йилдаги 14-сонли чиким касса ордери билан 41.268.747 сўм пул маблағи филиал раҳбариятига хабар қилинмасдан, Учқизил почта алоқа боғланмасига зарар етказган, 2021 йилда Тошкент шаҳридан келган текширувчилар текширишганида ҳам 41 миллион сўмлик камомат аниқланган бўлган, ўша пайтда ҳам бухгалтер [REDACTED] бўлгани, 41 миллион сўмлик зарар ҳозирга қадар қопланмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] апелляция инстанция судида, “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиали тизимида ишлаб келиши, “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиалига қарашли почта алоқа боғланмасида ҳужжатли тафтиш ўтказганлиги, текширишда, 41.268.747 сўмлик пуллар кирим ордерлари билан кирим қилинган деб кўрсатилган бўлсада, ушбу пул маблағлари бош ғазнага кирим қилинмагани, пулларни [REDACTED] ўзининг номига асоссиз чиқим қилиб олгани аниқлангани, почта иш фаолиятида касса китоби юритилиши ҳақида кўрсатув берди.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья [REDACTED] маърузасини, прокурор С.Қурбоновнинг суд ҳукмининг моддий зарар ундиришлик қисмини ўзгартириб, судланувчилардан 75.956.957 сўмни солидар тартибда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали фойдасига ўтказишликни белгилаш, суд ҳукмини қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришлик ҳақидаги, адвокат [REDACTED] шикоятни қаноатлантириб, судланувчи [REDACTED] нисбатан ЖКнинг 45-моддаси тартибда тайинланган жазони бекор қилишлик ҳақидаги, адвокат [REDACTED] судланувчи [REDACTED] нисбатан қонуний енгилик бериш ҳақидаги, фуқаровий даъвогар [REDACTED] судланувчилардан 75.956.957 сўмни солидар тартибда “Ўзбекистон



почтаси” АЖ Сурхондарё филиали фойдасига ўтказишликни белгилаш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини фуқаровий даъвога оид қисмини ўзгартириб, шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Судланувчилар [REDACTED] айбига иқдорлик билдирмаган бўлишса-да, судлов ҳайъати, уларнинг бу важларини муқарар жавобгарлик ва жазодан қутулиб қолиш мақсадида келтирилган асосиз важ деб танқидий баҳолаб, уларнинг айби фуқаровий даъвогар [REDACTED]

[REDACTED] суддаги кўрсатувлари, маълумотнома, дастлабки тушунтириш хатлар, ўтказилган танланма ўрганиш бўйича далолатномаси, ўтказилган текшириш натижаси бўйича оралиқ далолатномаси, олиб қўйиш тўғрисида қарор, ўтказилган текшириш натижалари бўйича тузилган далолатнома, ёзма далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиш ҳақида қарор, жиноят ишининг бир қисмини ҳаракатдан тугатиш тўғрисида қарор, жиноят ишининг бир қисмини тугатиб, маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 408-моддасига мувофиқ, судья ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириши ҳамда ҳақиқатни аниқлаш учун мазкур Кодексда назарда тутилган барча чораларни кўриши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁹-моддасининг 5-қисмида апелляция инстанцияси суди томонидан ишни кўриш чоғида жазонинг адолатсизлиги сабабли ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартиришга асос бўлишлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 509¹³-моддасининг 2-қисмида апелляция инстанцияси суди томонидан ишни кўриш чоғида жазони кучайтиришга ёки оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга фақат, башарти дастлабки ҳукм ёки ажрим кассация тартибида жазонинг энгиллиги ёки оғирроқ жиноятга оид қонунни қўллаш зарурати муносабати билан бекор қилинган бўлса йўл қўйилиши белгиланган.

Гарчанд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 1 июндаги ажрими билан [REDACTED] ва [REDACTED]

нисбатан чиқарилган Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 27 сентябрдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгитдан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган бўлса-да, судланувчиларга нисбатан тайинланган жазонинг адолатсизлиги учун эмас, балким иш юзасидан етказилган зарар миқдорига аниқлик киритишлик учун бекор қилиниб, янгитдан кўришлик учун юборилган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасига кўра, жазо маҳқумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойи фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳқум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги 4-сонли “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарорининг 9-бандида, судлар шунга эътибор беришлари керакки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра қуйидаги ҳолларда маҳқумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши, ЖК 167, 168, 170, 180, 181, 181¹, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун - жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция, кассация инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъий назар, қамоқда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги, Қарорнинг 10-бандида моддий зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазо қўлланилиши мумкин эмаслиги ҳақида Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаларида кўрсатилган қоида тугалланмаган жиноятга ҳам, башарти зарар билан боғлиқ оқибатлар келиб чиққунга қадар жиноятнинг олди олинган бўлса, татбиқ этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан [REDACTED] томонидан етказилган зарар миқдорига аниқлик киритилмаган.

Жиноят кодексининг 54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини,



қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди [REDACTED] [REDACTED] жиноий ҳаракатларини тўғри квалификация қилиб, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорига асосан ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига жазони мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, иш бўйича енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, уларга нисбатан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб жазо тайинлаб, асосли ва тўғри хулосага келган деб ҳисоблайди.

Бироқ, судлар томонидан судланувчилар [REDACTED] [REDACTED] томонидан етказилган зарар миқдорига аниқлик киритилмаган, хусусан А [REDACTED] томонидан жами 154.351.443 сўм талон-тарож қилинган бўлса, судланувчи [REDACTED] томонидан 15.960.526 сўм талон-тарож қилинган, судланувчилар [REDACTED] [REDACTED] биргаликда эса 59.302.208 сўм талон-тарож қилинганлиги, 4.385153 сўмни дастлабки тергов органи томонидан айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилган [REDACTED] [REDACTED] томонидан талон-тарож қилинганлигини эътироф этишликни;

Судланувчи [REDACTED] томонидан жами 84.000.000 сўм тўланганлигини эътироф этишликни;

Судланувчи [REDACTED] томонидан жами 51.588.211 сўм тўланганлигини эътироф этишликни;

Судланувчи [REDACTED] солидар тартибда 23.674.523 сўмни “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиалининг ИНН:200833833, 20210000900155266291-сонли ҳисоб рақамга ундиришликни белгилашликни;

Судланувчи [REDACTED] 48.211.817 сўмни ҳамда 4.070.617 сўм жами 52.282.434 сўмни “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиалининг ИНН:200833833, 20210000900155266291-сонли ҳисоб рақамга ундиришликни белгилашликни;

Судланувчи А [REDACTED] 4.070.617 сўм “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиалининг ИНН:200833833, 20210000900155266291-сонли ҳисоб рақамга ундиришликни белгилашликни лозим деб топади.

Шунга кўра судлов ҳайъати, суд ҳукмини фуқаровий даъвога оид қисмини ўзгартиришликни, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.



Юқорида баён этилганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497¹⁸, 497²⁴, 497²⁶, 497³⁰, 497³¹, 497³⁶-моддаларига мувофиқ, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Термиз туман судининг 2022 йил 2 август кундаги [REDACTED] ва [REDACTED] [REDACTED] оид суд ҳукмининг моддий зарар ундиришликка оид қисми ўзгартирилсин.

Судланувчи [REDACTED] ва [REDACTED] солидар тартибда 23.674.523 сўм “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиалининг ИНН:200833833, 20210000900155266291-сонли ҳисоб рақамга ундирилсин.

Судланувчи А [REDACTED] сўмни “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Сурхондарё филиалининг ИНН:200833833, 20210000900155266291-сонли ҳисоб рақамга ундирилсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:

И.Абраев

Ҳайъат судьялари:

Ж.Худойбердиев

Т.Абдираимов

